

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ СТАТИСТИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

*Эрназаров Гулам Бекбаевич –*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси  
Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар  
институтини катта ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлар номзоди (PhD)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада иқтисодиётнинг энг муҳим ва асосий тармоқларидан бири ҳисобланган хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти ва унинг уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик тадқиқ қилишдаги ўрни очиб берилган. Шунингдек ушбу соҳанинг иқтисодиётдаги салмоғи ва унинг ривожланиш динамикаси ҳар томонлама статистик таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий соҳа, консалтинг хизматлари, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳоли турмуш шароити, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар, халқаро тажриба, хусусий сектор.

РОЛЬ СФЕРЫ УСЛУГ В СТАТИСТИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ  
ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНОГО ХОЗЯЙСТВА

*Эрназаров Гулам Бекбаевич –*

*Государственное управление статистики Республики  
Узбекистан Старший преподаватель Института  
повышения квалификации и статистических исследований,  
кандидат экономических наук (PhD)*

**Аннотация:** В данной статье объясняется важность сферы услуг, которая считается одной из важнейших и основных отраслей экономики, и ее роль в статистическом исследовании деятельности жилищно-коммунального хозяйства. Также во всех отношениях анализируется влияние этого сектора на экономику и динамика его развития.

**Ключевые слова:** социальная сфера, консалтинговые услуги, жилищно-коммунальное хозяйство, условия жизни населения, здравоохранение и социальные услуги, услуги предоставляемые на душу населения, международный опыт, частный сектор.

THE ROLE OF THE SERVICE SECTOR IN STATISTICAL STUDIES OF  
HOUSING AND COMMUNAL SERVICES

*Ernazarov Gulam Bekbaevich –*

*State Statistics Office of the Republic of Uzbekistan  
Senior lecturer of the Institute for professional development  
and statistical research, candidate of Economic Sciences (PhD)*

**Abstract:** This article explains the importance of the service sector, which is considered one of the most important and main branches of the economy, and its role in the statistical study of housing and communal services. The impact of this sector on the economy and the dynamics of its development are also analyzed in all respects.

**Key words:** social sphere, consulting services, housing and communal services, living conditions of the population, health and social services, services provided per capita, international experience, private sector.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар доирасида ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан аҳоли таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ...» [1] юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. 2020 йил

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди, десак, муболаға бўлмади: деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида «...яқунланаётган йилда марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 3 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди. Натижада аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 73 фоизга етди, ...» [2].

Аҳолининг барча қатламлари турмуш даражаси ва жамиятимиздаги ижтимоий муҳит муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган уй-жой

коммунал соҳасининг самарали фаолият кўрсатиши билан боғлиқ. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича замонавий бозорни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Яратилган мустақкам меъёрий-ҳуқуқий базага мувофиқ таркибий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишнинг мутлақо янги тизимини шакллантириш имконини берди.

Бу каби устувор вазифалар муваффақият-ли ҳал этилиши хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисига сифатли хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва истиқболларини статистик прогнозлашни талаб этади. Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик тадқиқ қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамиятини хорижий олимлардан Д.Дамжанович, Н.Фуссел, К.Бересфорд, Р.Мелланбий ҳамда МДХ мамлакатлари олимлари Н.С.Егорова[4], Ю.П.Алексеев[5], А.И. Кочерги[6], шунингдек: мамлакатимизда бу соҳани ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари А.Э.Ишмухамедов, Б.З.Каланов, М.З.Каланова, А.Б.Хайитов ва бошқалар томонидан ўрганиб чиқилган.

Павел Красилников, Мариа Конюшкова, Ronald Vargasлар муаллифлигида Ўрта Осиё мамлакатларида ер ресурслари ва озиқ-овқат хавфсизлиги номли маълумотлар асарида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизими ва суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш бўйича муаллифлар томонидан хар бир мамлакатлар бўйича чуқур таҳлиллар амалга оширилган бўлиб, тежамкор усуллардан фойдаланган ҳолда сувдан фойдаланиш бўйича таклифлар бериб ўтилган [7]

М.У. Мирзаев, Д.А. Абдуғаниеваларнинг “Сув ресурсларидан фойдаланишда тежамкор технологияларнинг самарадорлиги” номли асарида “Сув ресурслардан самарали фойдаланишда тежамкор технологияларни кўллаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш имкониятлари таҳлил қилинган. Томчилатиб ҳамда ёмғирлатиб суғоришни лалми ерларда жорий этиш орқали интенсив боғлар ва чорвачиликни ташкил этиш, озуқа

базасини яратиш лозим. Бу аҳолини озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришга ҳам хизмат қилади” дея таъкидлаган [8].

Т.Х. Фарманов, Ф.М. Юсуповаларнинг “уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш” номли асарида аҳолининг коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, соҳада хизмат кўрсатиш йўналишини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиққан[9]

Ш. Юлдошевнинг “Инновацион иқтисодиёт шароитида Ўзбекистонда уй-жой сиёсатининг аҳамияти” номли асарида “Уй-жой коммунал хўжалиги тизими аҳоли турар жойлари, маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари, ноишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада фойдаланилаётган бинолар, иншоотлар, ҳудудлар ва узатувчи магистралларга хизмат кўрсатувчи, фойдаланишни ташкил этувчи, қурилиш-таъмирлаш, транспорт, энергия ишлаб чиқарувчи ва бошқа турли товар ва хизматларни амалга оширувчи корхоналардан ташкил топган, кенг қамровли фаолиятининг пировард натижаси инсон ҳаёт фаолиятини ташкил этувчи, шаҳар инфратузилмасини ривожлантирувчи ва экологик муҳитни яхшилашга хизмат қилувчи соҳа ҳисобланади” деб айтиб ўтган [11].

Ш.Туробов, Р.Рашидовларнинг “Уй хўжаликлари тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари” номли монографиясида “уй хўжаликларида томорқадан фойдаланиш натижасида аҳолини иш билан таъминлаш ва коммунал хизматлардан фойдаланишда эҳтиёжларни иқтисодий таҳлилин амалга ошириш лозим” лиги таъкидланган[12]

Ўзбекистон Республикасида уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик тадқиқ қилишда хизмат кўрсатиш соҳасини ўрнини ўрганишда ва унинг эконометрик моделларини тузиш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан С.С.Ғуломов, Ё.А.Абдуллаев, Х.А.Шодиев, Б.А.Бегалов, Т.Ш.Шодиев, Б.К.Ғойибназаров, Н.М.Соатов, Ҳ.Ғ.Набиев, А.А. Набиҳўжаев, Р.Х.Алимов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли ва 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар

ни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади[1, 3, 8].

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқот давомида анализ ва синтез, аналитик таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили, қиёсий таҳлил усулларида самарали фойдаланилган. Тадқиқотимизда статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммони ечимига олиб борувчи стратегик йўналишлар белгиланган. Тадқиқот объекти сифатида уй-жой коммунал хўжалиги кўрсаткичлари ўрганилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Шундай экан ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг энг муҳим секторлари сифатида кўплаб йўналишлар жамланган хизматларнинг ўрни жуда катта ва долзарбдир. Бу, аввало ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши, бозорнинг товарлар билан тўйинганлиги, жамият ҳаётига янгиликлар киритувчи фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Буларнинг барчаси ахборот, молиявий, транспорт, консалтинг хизматлари ва бошқа турдаги хизматлар мавжудлигини тақозо этади.


Жамият ривожланиб, ишлаб чиқариш кучлари тараққий этгани сари хизматлар соҳасининг юксалиши ҳам сезиларли даражада кучай-

моқда. Соҳада бандлар сони кўпайиши, меҳнатнинг техника билан қуролланганлик даражаси ошиши, такомиллашган технологиялар кенгроқ қўлланиши кузатилмоқда.

Хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳозирги замон иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётда хизматлар ҳажми ошишининг асосий омилларини илмий билимлар, номоддий шаклдаги тўпламлар, ахборот технологиялари ва тадбиркорлик фаолияти интеграцияси омиллари ташкил этади. Иқтисодиётнинг бу сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси тайёр маҳсулот эмас, балки кўрсатилган хизматлардир.

Хизматлар нафақат корхоналар, балки жисмоний шахслар – якуний истеъмолчиларга ҳам кўрсатилиши мумкин.

2021 йил 1 январь ҳолатига республикада 475,2 мингта фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар қайд этилди. Уларнинг 309,4 мингдан ортиғи хизматлар соҳаси корхона ва ташкилотларидир. Таҳлиллар кўрсатадики, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,1 % га ошган[10].



1-расм. Республикада ЯИМ ҳажмида хизматлар ҳажми[10]

Республикада тармоқлари ялпи қўшилган қийматида хизматлар соҳасининг улуши 2020 йилда 38,8 фоизни ташкил этиб, кўрсатилган хизматлар ҳажми 218853,5 млрд.сўмга етди ёки 2019 йилдагига нисбатан 2,3 фоиз ўсишга эришилди.

2021 йил 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: хизматлар соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонидан яшаш ва овқат-

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

ланиш бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар улуши 9,7 %га тенг; ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши 5,6 %га етди; ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматлари кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар улуши 3,1 % бўлди; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар улуши 3,0 %ни ташкил қилади[10].

Айтиш лозимки, 2020 йил 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасида 262,0 мингта корхона ва ташкилот фаолият юритган. У хизматлар соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар умумий таркибида савдо хизматлари энг катта (38,6 фоиз) улушга эга бўлган. Бунда

яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар салмоғи 9,8 фоизни, ташиш ва сақлаш хизматлари улуши 5,9 фоизни, ахборот ва алоқа хизматлари ҳиссаси 3,0 фоизни, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар йўналиши улуши 3,0 фоизни, бошқа турдаги хизматлар салмоғи эса 39,7 фоизни ташкил этган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикада хизматлар соҳаси динамикасида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Чунончи, 2016 йилда хизматларнинг нисбий ўсиш суръати 114,7 фоизга тенг бўлган бўлса, охириги 4 йилда пасайиш ҳолатига тушди. Вилоятлар кесимида кўрсак, 2020 йилга келиб, энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Бухоро вилоятларида қайд этилди.

1-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳаси динамикаси[10]

Худудлар	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
	Жами, млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоизда	Жами, млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоизда	Жами, млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоизда	Жами, млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоизда	Жами, млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоизда
Ўзбекистон Республикаси	97050,0	114,7	118811,0	110,7	150889,8	108,9	193697,8	113,2	218853,5	102,3
Қорақалпоғистон Республикаси	3100,5	113,2	3611,3	108,3	4600,2	113,2	5671,8	112,8	6508,9	105,9
<b>Вилоятлар</b>										
Андижон	5 765,9	115,8	6627,2	105,3	8011,5	107,2	9803,8	110,9	11250,3	103,9
Бухоро	4 756,1	115,6	5421,1	104,6	6631,6	108,6	8413,2	113,3	9874,1	106,1
Жиззах	2 155,3	117,0	2530,8	106,7	3283,2	114,3	4305,1	117,5	4925,0	103,7
Қашқадарё	5 137,6	118,1	5859,7	104,5	7064,1	106,6	8800,9	111,1	10109,2	103,9
Навоий	2 593,8	115,8	3068,4	108,0	3925,6	111,4	5056,2	115,2	5769,7	104,5
Наманган	4 408,1	124,4	4999,2	103,6	6067,7	107,6	7747,6	113,3	8881,8	103,3
Самарқанд	7 200,5	113,9	8343,2	106,4	10043,5	107,3	12786,8	112,4	14318,7	102,6
Сурхондарё	3 845,3	116,6	4485,5	105,8	6079,6	119,2	6981,9	103,8	7919,7	103,3
Сирдарё	1 355,6	116,7	1603,8	107,7	2031,4	112,1	2726,8	121,5	3236,8	108,5
Тошкент	8 112,9	116,9	9347,4	105,1	11292,9	107,0	14568,4	113,4	16677,3	103,4
Фарғона	6 670,7	117,7	7602,2	104,9	9237,9	108,0	11684,1	113,0	13361,4	102,8
Хоразм	3 119,0	115,9	3645,5	108,2	4562,8	110,1	5763,3	113,4	6575,0	102,9
Тошкент шаҳри	<b>29472,7</b>	<b>119,9</b>	<b>38659,9</b>	<b>118,0</b>	<b>50176,2</b>	<b>110,9</b>	<b>65759,2</b>	<b>115,6</b>	<b>79462,6</b>	<b>107,4</b>

Тошкент шаҳрида эса 2016–2017 йилларда юқори ўсиш суръати, 2018, 2020 йилларда бирмунча пасайиш кузатилди. 2019 йилда унинг умумреспублика хизматларидаги улуши юқори бўлди: 34,3 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида транспорт хизматлари энг катта улушни эгаллади (2-жадвал). 2020 йил 1 январь ҳолатига жами хизмат кўрсатиш ҳажмида уларнинг улуши 28,1 %ни ташкил этди. Бу борада, юқори кўрсаткичлар шунингдек, савдо хизматлари (25,1 %) молиявий хизматлар (18,2 %), алоқа ва ахборот хизматларига (5,7 %) тўғри келди. Бу даврда юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (118,4 %), Жиззах (115,1 %), Хоразм (112,5 %) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси (112,0 %) ва Тошкент шаҳрида (117,2 %) қайд этилди. Нисбатан паст ўсиши суръатлар Тошкент (107,7

%) Самарқанд (108,9 %) Фарғона (109,4 %) ва Наманган (110,2 %) вилоятларида кузатилди[10].

2018 йилга нисбатан аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 1090,1 минг сўмга ошди ва 5668,6 минг сўмга тенг бўлди, унинг ўсиши 10,4 %ни ташкил этди (3-жадвал).

Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми 25703,0 минг сўм эквивалентида белгиланган. Шу билан бирга, юқори кўрсаткичлар Навоий (4904,4 минг сўм), Тошкент (4705,7 минг сўм), Бухоро (4275,4 минг сўм) вилоятларида қайд этилди. Наманган (2675,5 минг сўм), Қашқадарё (2691,1 минг сўм) ва Сурхондарё (2873,2 минг сўм) вилоятларида бошқа худудлардаги нисбатан аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми нисбатан паст бўлди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматларининг ишлаб чиқариш динамикаси (2020 йил 1-январь ҳолатига)[10]**

Кўрсаткичлар	Млрд.сўм	2018 йилга нисбатан, %	Жамига нисбатан, %
Хизматлар жами. Шу жумладан, асосий турлар бўйича:	190356,0	112,5	100,0
Алоқа ва ахборот хизматлари	10869,2	108,0	5,7
Молиявий хизматлар	34635,0	154,6	18,2
Транспорт хизматлари	53576,5	105,6	28,1
Шу жумладан, автотранспорт хизматлари	25279,1	103,5	13,3
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	5715,9	105,6	3,0
Савдо хизматлари	47693,3	105,1	25,1
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	5862,2	103,1	3,1
Таълим соҳасидаги хизматлар	6990,4	106,8	3,7
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	2930,3	113,4	1,5
Ижара хизматлари	3952,3	104,1	2,1
Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	3102,1	103,7	1,6
Шахсий хизматлар	4564,8	103,7	2,4
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник соҳасидаги хизматлар	4039,0	108,1	2,1
Бошқа хизматлар	6425,0	102,8	3,4

2020 йилда 2019 йилдагига нисбатан (4-жадвал) аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми Тошкент шаҳрида энг кўп ўсиб, 5530,9 минг сўмга ошди. Чунки Тошкент шаҳри аввало, йетарли даражада индустриал ривожланган ҳудуд ҳисобланади, бу ерда яшайдиган аҳолини реал даромадлари даражаси бошқа ҳудудлардагига нисбатан баландроқ, 2019 йил-

дагига нисбатан ўсиш Навоий (852,9 минг сўмга), Тошкент (784,4 минг сўмга), Бухоро (752,6 минг сўмга), Сирдарё (659,5 минг сўмга), Жиззах (606,0 минг сўмга), Хоразм (558,4 минг сўмга), Самарқанд (535,3 минг сўмга), Андижон (505,6 минг сўмга) ва Фарғона (504,5 минг сўмга) вилоятларида кузатилди.

**Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми (2020 йил 1 январь ҳолатига), минг.сўм[10]**

<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	5668,6
Қорақолпоғистон Республикаси	2964,0
Андижон	3141,6
Бухоро	4275,4
Жиззах	3058,6
Қашқадарё	2691,1
Навоий	4904,4
Наманган	2675,5
Самарқанд	3196,9
Сурхондарё	2873,2
Тошкент	4705,7
Фарғона	3034,2
Хоразм	3065,0
Сирдарё	3128,1
<b>Тошкент шаҳри</b>	<b>25703,0</b>

Республикада 2020 йилда 2019 йилга нисбатан хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 102,3 фоизга, аҳоли жон бошига тўғри келувчи хизматлар ҳажми эса 100,4 фоизга тенг бўлган. Бугунги кунда республикада бир кишига тўғри келувчи хизматлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 0,4 фоизга ошган ёки ўртача 5668,6 минг сўмга тенг. Жами кўрсатилган хизматлар ҳажмида Тошкент шаҳри (34,3 %), Тошкент (7,2 %), Самарқанд (6,4 %) вилоятлари юқори сал-

моққа эга, энг паст улуш Сирдарё (1,4), Жиззах (2,2 %), Навоий (2,6 %) вилоятларига тўғри келади.

5-жадвал маълумотлари таҳлилига кўра, 2010 йилда шаҳар туридаги посёлкаларда 1015 та сув қувури мавжуд бўлган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига 1042 тани ташкил этган. Ўрганилаётган даврда қишлоқ аҳоли пунктларида сув қувурлари 308 тага кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида 2020 йилда аҳоли жон бошига хизматлар ҳажмининг ўсиши минг.сўм (2019 йилдагига нисбатан)[10]

Ўзбекистон Республикаси	1090,1
Навоий	852,9
Тошкент	784,4
Бухоро	752,6
Сирдарё	659,5
Жиззах	606,0
Хоразм	558,4
Самарқанд	535,3
Андижон	505,6
Фарғона	504,5
Қорақалпоғистон Республикаси	485,5
Сурхондарё	481,6
Қашқадарё	470,2
Наманган	449,8
<b>Тошкент шаҳри</b>	<b>5530,9</b>

Республика бўйича сув қувурлари 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 103,7 %га кўпайган. Канализациялар бўйича эса охириги йилларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган (яъни 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 112,9 %га кў-

пайган). Иситиш воситалари ва иссиқ сув таъминоти бўйича ҳам таҳлил қилинаётган йилларда мос равишда (яъни 2020 йилда 2010 йилга нисбатан) 109,5 % ва 129,5 %га кўпайиш, табиий газ бўйича эса 84 %га камайиш кузатилган.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли пунктларини ободонлаштириш кўрсаткичлари[10]

Аҳоли пунктлари	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
	<b>Сув қувури</b>									
Шаҳарлар	119	119	119	119	119	119	119	119	119	119
Шаҳар туридаги посёлкалар	1015	1015	1020	1029	1033	1036	1030	1024	1035	1042
Қишлоқ аҳоли пунктлари	8775	8836	8855	8885	8910	8924	8951	8983	9066	9083
	<b>Канализация</b>									
Шаҳарлар	78	79	79	79	79	79	71	70	71	78
Шаҳар туридаги посёлкалар	51	52	52	53	53	49	39	41	41	155
Қишлоқ аҳоли пунктлари	27	54	54	53	51	48	25	23	23	23

Таҳлилларга кўра, ўрганилаётган йилларда республикамизда уй-жой фондиди ободонлаштириш қуйидагича бўлган: сув қувурлари бўйича ўртача 67,9 фоизни, канализация 35,0 фоизни, иситиш воситалари 47,1 фоизни, табиий газ 68,2 фоизни ва иссиқ сув таъминоти эса 32,2 фоизни ташкил этган. Аммо бу кўрсаткичлар бўйича шаҳар ва қишлоқ уй-жой фонди ўртасида сезиларли фарқланиш мавжуд. Масалан, шаҳар уй-жой фондида сув қувурлари бўйича бажарилган ишлар 84,8 фоиз бўлса, бу кўрсаткич қишлоқларда 50,4 фоизга, табиий газ шаҳарда 83,6 фоиз бўлса, қишлоқда 52,4 фоизга тенг ва ҳоказо.

Шаҳар ва қишлоқ уй-жой фондларида сув қувурлари 2020 йилда 2010 йилдагига нисбатан мос равишда 104,4 % ва 105,4 %ни ташкил этган, канализация ишлари эса мос равишда 115,2 % ва 123,4 %га тенг бўлган. Иситиш воситалари ва иссиқ сув таъминоти бўйича кўрсаткичлар ҳам таҳлил қилинаётган йилларда мос равишда 109,0 % ва 116,9 %га ҳамда 122,0 % ва 4,4 бараварга кўпайган бўлса, шаҳар ва қишлоқларни

газлаштириш таҳлил қилинаётган йилларда тегишлича 96,1 % ва 73,1 %га камайган.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтиш лозимки, хизматлар соҳасидаги аксарият фаолият турларининг ўзига хос хусусияти маҳаллийлаштиришнинг юқори даражаси, маълум бир ҳудудга (ҳудуд, туман, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари) боғлиқлиги ҳисобланади. Шу сабабли фаолиятнинг ҳажми, жойлашиши, фаолият турлари ва кўламлари, мулкчилик шакллари, корхона ва хизмат кўрсатиш ташкилотларининг иш услублари, уларнинг рақамли иқтисодиёт шароитидаги ўрни ва роли ҳамда ривожланиш салоҳияти минтақа иқтисодиётидаги инновацион ўзгаришлар эҳтиёжлари, устуворликлари ва стратегияси билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак.

Таклиф сифатида айтиш мумкинки, биргина коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида, жумладан: республикамизда кўрсатилаётган иссиқлик таъминоти хизматлари таннархини пасайтириш учун соҳада рақобат муҳитини шакллантириш зарур. Шу мақсадда иссиқлик таъмино-

тининг мавжуд тизимини тубдан қайта модернизация қилиш талаб этилади. Сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари молиявий фоліятининг зарар кўриб ишлаши кўп жиҳатдан газ, электр энергияси, харид қилинадиган иссиқлик энергияси ва бошқа материаллар нархи ошганда тариф сиёсати ўз вақтида қайта кўрилмасли-

ги билан боғлиқ. Шу боис кўрсатиладиган сув ва иссиқлик таъминоти хизматлари нархи ва таърифларини давлат тамонидан тартибга солишни изчил амалга ошириш, хусусан, энергия ресурслари нархи ўзгарганда совуқ ва иссиқ сув таъминоти, иситиш тарифларини қайта кўриб чиқиш зарур.

### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли қарори. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Егорова Н.С. Моделирование инвестиционной деятельности в жилищном секторе. – М., Издательство МГУ 2017. – 128 с.
5. Алексеев, Ю.П. Социальная политика: учебник / Алексеев, Ю.П., Берестова, А.И., Бобков, В.Н. и др.; – 2-е изд. – М., Экзамен, 2014. – 416 с.
6. Социальная инфраструктура: вопросы теории и практики (Под ред. А.И. Кочерги. – Киев: Наукова думка, 2010. – 468 с.
7. Павел Красилников, Мария Конюшкова, Ronald Vargas лар муаллифлигида “Ўрта Осиё мамлакатларида ер ресурслари ва озиқ-овқат хавфсизлиги” Euroasian Center for Food Security, 2016 йил 302б.
8. М.У. Мирзаев, Д.А. Абдуғаниеваларнинг “Сув ресурсларидан фойдаланишда тежамкор технологияларнинг самарадорлиги” Т.: 2021 йил 18 май. 248 б.
9. Т.Х. Фарманов, Ф.М. Юсуповаларнинг “Сув тежовчи технологиялар ишлаб чиқарилишини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш” Т.: 2021 йил 18 май. 519 б.
10. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)–Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
11. Ш. Юлдошева. “Инновацион иқтисодиёт шароитида Ўзбекистонда уй-жой сиёсатининг аҳамияти” 2021 йил 21 май
12. Ш.Туробов, Р.Рашидов. “Уй хўжаликлари тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари”. Т.: 2015 й.
13. Эрназаров Г.Б. ва бошқалар. Миллий иқтисодиётдаги таркибий ва тузилмавий ўзгаришларнинг тизимли таҳлили. Монография. – Т.: ДСҚ босмахонаси, 2018.–111-128 б.
14. Эрназаров Г.Б. Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик баҳолаш. – Т.: // Biznes-Эксперт журнали, 2021, №2. 45–49 б.
15. [www.gorogl.gotel.bu](http://www.gorogl.gotel.bu) – Уй-жой коммунал хўжалиги сайти.

## СПОРТ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

**Закирова Умида Махаммадиновна -**  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, “Спорт менежменти ва иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада хизматларнинг табиати, моҳияти ва асосий тавсифномалари, шунингдек, хизматлар соҳасининг, шу жумладан, спорт хизматларининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Хизматлар соҳасининг замонавий иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** спорт, спорт хизматлари, хизматлар, хизматлар соҳаси, хизматлар тавсифномаси, хизматларни турлари, хизматларни ўзига хос хусусиятлари, хизматлар бозори.

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СПОРТИВНЫХ УСЛУГ В СОВРЕМЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ

**Закирова Умида Махаммадиновна -**  
Преподаватель кафедры “Спортивный менеджмент и экономика” Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются природа, сущность и основные характеристики услуг, а также особенности сферы услуг, в том числе спортивных услуг. Показаны роль и значение сферы услуг в современной экономике.

**Ключевые слова:** спорт, спортивные услуги, услуги, сфера услуг, характеристики услуг, классификация услуг, особенности услуг, рынок услуг.